



**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик  
партияси тизимида  
энг намунали партия ташкилотини аниқлаш  
тартиби  
тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**Тошкент - 2014**

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали  
партия ташкилотини аниқлаш тартиби тўғрисидаги  
Низом**

*(Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг  
2012 йил 9 апрель санасидаги 23-сон мажлиси 5-сон қарори билан тасдиқланган,  
2014 йил 28 март куни бўлиб ўтган партия Сиёсий Кенгаши Ижроия  
Қўмитасининг 44-сон мажлиси 6-сон қарори билан ўзгартириш киритилган)*

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва партия Устави доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали вилоят, туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотини аниқлаш ҳамда уни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

1.2. Энг намунали вилоят, туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотини аниқлаш ҳамда уни рағбатлантириш тегишли партия ташкилотининг ташаббускорлиги, ғоявий, ташкилий жиҳатдан жипслашганлиги, амалга оширган лойиҳалари, ўрнатган ҳамкорлик ишларини таҳлил этиш ва баҳолаш асосида амалга оширилади.

1.3. Энг намунали вилоят, туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотини аниқлаш ҳамда уни рағбатлантириш адолатлилик, очиқлик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ўтказилади.

**II. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг  
намунали партия ташкилотини аниқлашдан кўзланган мақсади**

2.1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлашдан кўзда тутилган асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

- партия ташкилотларини намунали тизимга олиб чиқиш;
- партия тизимида илғор партия ташкилотлари сонини кўпайтириш;
- маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш;
- жойлардаги партия ташкилотларининг ўзаро рақобатини ривожлантириш ва ўз устида ишлашнинг рағбатлантириб бориш;
- жойлардаги партия ташкилотлари таркибида бўлган “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қанотларининг салоҳиятини ошириш.
- бошланғич партия ташкилотларининг партия умумий ҳаётида иштирокини кучайтириш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш;
- партия Сайловолди дастури ижросини таъминлашда жойлардаги партия ташкилотларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини таъминлаш;
- жойларда партия мафкураси ва дастурий ғоялари тарғибот-ташвиқотини кучайтириш, ҳудудий партия ташкилотлари имкониятини мустақил равишда тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлаш ва тарқатишга кенг жалб этиш;

- сайловлар арафасида партия ташкилоти фаолиятини жонлантириш ва тубдан яхшилаш;
- бошқа сиёсий партиялар олдида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси рақобатбардошлигини ошириш;
- жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятида масалаларни ҳал этишда мустақиллик ва тезкорликни кучайтириш;
- давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятини такомиллаштириш;
- умумий партия фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш.

### **III. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш тартибини белгилаш**

3.1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш тартибини партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси белгилайди.

3.2. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш жараёнида фақат партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари иштирок этадилар. Худудий партия ташкилоти раиси ва бир вақтнинг ўзида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси бўлган шахснинг ушбу жараёнда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

3.3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш ишлари ҳар йили бир марта октябрь-ноябрь ойида ташкил этилади.

3.4. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш жараёнида қуйидаги партия ташкилотлари фаолияти ўрганилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари;
- туман (шаҳар) партия ташкилотлари;
- худудий партия ташкилотларининг “Аёллар қаноти” Кенгаши;
- худудий партия ташкилотларининг “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши;
- бошланғич партия ташкилотлари;
- Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари.

3.5. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилоти сифатида қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

- энг намунали худудий партия ташкилоти (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилоти);
- энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти;
- энг намунали худудий партия ташкилотининг “Аёллар қаноти” Кенгаши;
- энг намунали худудий партия ташкилотининг “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши;
- энг намунали бошланғич партия ташкилоти;
- энг намунали партия депутатлик гуруҳи.

3.6. Энг намунали партия ташкилотлари куйидаги тартибда тақдирланади:  
- энг намунали ҳудудий партия ташкилоти – 1 даражали диплом ва 15 минимал ойлик маош миқдорида пул мукофоти ёки қимматбаҳо партия совғалари;

- энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти – 1 даражали диплом ва 10 минимал ойлик маош миқдорида пул мукофоти ёки қимматбаҳо партия совғалари;

- энг намунали “Аёллар қаноти” Кенгаши фаолияти учун – 1 даражали диплом ва қимматбаҳо совға;

- энг намунали “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши фаолияти учун – 1 даражали диплом ва қимматбаҳо совға;

- энг намунали бошланғич партия ташкилоти фаолияти учун – 1 даражали диплом ва қимматбаҳо совға;

- энг намунали партия депутатлик гуруҳи фаолияти учун – 1 даражали диплом ва қимматбаҳо совға;

3.7. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотларини тақдирлаш бўйича мукофотлар билан боғлиқ бўлган харажатлар партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан қопланади.

3.8. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш бўйича барча шартлар ва натижаларга оид маълумотлар “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасида ва партия веб-сайтида кенг ёритиб борилади.

#### **IV. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш мезонлари**

4.1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш бир босқичда ўтказилади: жойлардаги партия ташкилотлари тўғрисида барча зарурий материаллар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тўпланиб, таҳлил этилади ва натижаси эълон қилинади.

4.2. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш учун куйидаги материаллар таҳлилдан ўтказилади:

4.2.1. Ҳудудий партия ташкилоти учун:

- Кенгашнинг иш режаси ва унинг ижроси;

- Кенгашнинг бадал тушумлари режаси ва унинг ижроси;

- Кенгаш томонидан партия Сиёсий Кенгаши, Ижроия Қўмитаси қарорлари ва Марказий аппарат кўрсатмаларини бажариш ҳолати.

- Кенгашнинг Марказий аппаратга ўтказилиши керак бўлган 10 %ли бадал тушумларининг ҳолати.

- “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қанотлари Кенгашларининг иш режаси ва унинг ижроси, ташаббуслари;

- Тафтиш комиссияси фаолияти;

- “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасига обунанинг аҳволи;

- Ҳудудий партия ташкилоти таркибидаги туман ва шаҳар Кенгашларининг жорий йил учун ҳужжатлар жилдининг ҳолати;

- Ҳудудий партия ташкилоти паспорти;

- аъзолари рўйхати;
- Кенгаш кадрлари ҳужжатлари жилди;
- Кенгашнинг БПТ ҳужжатлари жилди;
- Тадбирлари юзасидан маълумот;
- Давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича тузган шартномаларининг бажарилиши;
- Сиёсий ўқишларни ўтказиш ҳолати;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органига сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳи иш режаси ва унинг ижроси, ташаббуслари;
- Кутубхонаси ҳолати;
- Кенгаш, унинг Ижроия Қўмитаси фаолияти ва аъзолари тўғрисида маълумот;
- Моддий-техник базасининг ҳолати;
- Кенгаш офисининг ҳолати;
- Мустақил равишда партия тарғибот-ташвиқот материалларни тайёрлаш қобилияти;
- Кўргазмали тарғибот-ташвиқот материаллари билан шаҳар ва қишлоқларни безаш ишлари, шу жумладан, кўчаларда ўрнатилган партия баннерлари сони, сифати.

#### 4.2.2. Туман (шаҳар) партия ташкилоти учун:

- Кенгашининг паспорти (ҳудуд ва ҳудудий партия Кенгаши тўғрисида маълумот)
- Кенгаш раиси, ўринбосарлари тўғрисида маълумотнома;
- Кенгаш аъзолари тўғрисида тўлиқ маълумот;
- Кенгашнинг жорий йил иш режаси ва унинг ижроси тўғрисида маълумот;
- бадал тушумлари режаси ва унинг ижроси;
- “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қанотлари Кенгашлари фаолияти ва аъзолари тўғрисида маълумот;
- давлат ҳокимияти вакиллик органига сайланган депутат ва депутатлик гуруҳи иш фаолиятига оид ҳужжатлар, улар тўғрисида маълумотномалар, уларнинг иш режалари, иш режалар ижроси юзасидан маълумотлар;
- партия ташкилоти фаолиятини ёритиб берувчи ҳужжатлар жилди;
- партия ташкилоти фаолияти юзасидан фотоальбом;
- офиси ҳолати;
- партия ташкилоти моддий-техник базаси.

#### 4.2.3. Бошланғич партия ташкилоти учун:

- БПТ учун алоҳида хона ажратилганлиги;
- “Адолат” СДП Устави, Дастури, ҳудудий партия ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- Тегишли туман/шаҳар партия Кенгаши Пленумлари ва Ижроия Қўмитасининг баённома ва қарорлари, БПТ фаолиятига тааллуқли бандларнинг бажарилиши юзасидан маълумотлар;
- “Адолат” СДП фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномалар;
- БПТ тузилганлиги тўғрисида баённома;
- БПТда ҳисобот-сайлов мажлиси баённомасининг мавжудлиги;

- БПТнинг белгиланган тартибдаги гувоҳномаси;
- БПТ раиси ва котиби тўғрисида маълумотнома;
- БПТ аъзолари рўйхати;
- БПТ аъзоларидан тушадиган аъзолик бадалларини қайд қилиш китоби;
- БПТда партия Устави, Сайловолди дастурининг тарғибот-ташвиқот материалларининг мавжудлиги;
- БПТдаги “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасига обуначиларининг рўйхати;
- БПТ жорий йил учун иш режаси ва унинг ижроси юзасидан маълумот;
- БПТ тадбирлари бўйича маълумотлар;
- БПТ йиғилишларининг баённомалари;
- БПТнинг ташаббуслари, амалий ишлари;
- БПТда ўтган йилга нисбатан аъзолар ўсиши, аъзолик бадаллари тушуми ошиши, партия наشري “Адолат” газетасига обуначилар сонининг ортиши.

#### 4.2.4. Худудий партия ташкилотларининг “Аёллар қаноти” Кенгаши учун:

- жорий йил иш режаси ва унинг ижроси;
- “Аёллар қаноти” Кенгаши аъзолари рўйхати;
- “Аёллар қаноти” Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирлар;
- “Аёллар қаноти” Кенгашининг ташаббуслари.

#### 4.2.5. Худудий партия ташкилотларининг “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши учун:

- жорий йил учун иш режа ва унинг ижроси;
- “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши аъзолари рўйхати;
- “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан ташкил этилган тадбирлар;
- “Ёш адолатчилар” қаноти ташаббуслари.

#### 4.2.6. Давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия депутатлик гуруҳи учун:

- депутатлик гуруҳи тузилганлиги тўғрисидаги баённома;
- гуруҳ иш режаси ва унинг ижроси;
- ўтган йил фаолияти юзасидан ҳисоботи;
- гуруҳнинг худудларни ижтимоий-иқтисоди ривожлантириш борасидаги ташаббуслари, сессиялар кун тартибига киритилган масалалари;
- депутатлик гуруҳи аъзолари маълумотномалари;
- жорий йилда депутатлик сўровлари сони.

4.7. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотини аниқлаш бўйича кўрсатма партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси томонидан имзоланган расмий ҳужжат худудий партия ташкилотларига тақдим этилади. Ушбу кўрсатма асосида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан белгиланган **вакиллар** худудий партия ташкилотлари, туман (шаҳар) ва БПТ, “Аёллар” ва “Ёш адолатчилар” Кенгаши фаолияти, депутатлик гуруҳи фаолияти билан яқиндан танишиш учун жойларга чиқадилар.

Худудий партия ташкилотлари раҳбарлари энг намунали туман (шаҳар) ва БПТ ёки депутатлик гуруҳига даъвогарлик қилаётган партия ташкилотларини мустақил равишда ўзлари аниқлайдилар ва уларни ўрганиш, фаолиятини таҳлил этиш учун Ижроқўм вакилларига тақдим қиладилар.

## **V. Низомнинг кучга кириши**

5.1. Мазкур Низом партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

## **VI. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

5.1. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари ёки ҳудудий партия ташкилотлари тавсиялари асосида амалга оширилади. Билдирилган тавсиялар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасида кўриб чиқилади ва билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида қабул қилинади ёки рад этилади.